

Спорт –мустаҳкам оила кўргони

Кичик бир оиланинг давлат аҳамиятига молик иккита жиҳатига эътибор қаратсак. Яъни, янги қурилган оилада ногирон фарзанд туғилса, қанча–қанча салбий оқибатлар келиб чиқади. Иккинчи жиҳатдан эса оилада соғлом, баркамол, бақувват фарзанд дунёга келса–ю, спорт билан шуғулланиб бутун бир миллат, халқнинг мавқеини жаҳонга кўрсатиб, давлатнинг салоҳиятини намоён қилади.

Бугун оиланинг мустаҳкам, аҳил ва бирдам бўлишига асосий сабаблардан бири – бу спорт десак муболаға бўлмайди. Сабаби, спорт инсонни чиниқтириб, соғлом қилиши билан бирга маънавий баркамолликни ҳам таъминлайди. Мустаҳкам оила қуриш учун йигит ва қиз ҳам маънан, ҳам жисмонан яхшигина тайёргарликка эга бўлиши лозим. Чунки, носоғлом ота–онадан ногирон, нимжон фарзандлар дунёга келади. Шундай экан, оила мустаҳкамлигининг асосий кўргони – бу фарзандлар ҳисобланади. Оилага шодлик олиб кирган бола соғ–саломат туғилиб вояга етса, келажак давомийлиги давом этиши билан бирга, соғлом, бақувват болалар ватан равнақиға ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Фикримнинг исботи сифатида мустақиллик шарофати билан муҳтарам юртбошимиз Ислом Каримов томонларидан оила мустаҳкамлигига, она ва бола соғлигига катта эътибор қаратилиши натижасида бугун минглаб йигит – қизларимиз ўзбек байроғини халқаро майдонларда ҳилпиратишмоқда. Агар бунинг акси бўлиб, яъни оилада нимжон, касалманд, ногирон фарзанд дунёга келса ушбу оила мустаҳкамлигига дарз кетади. Эр – хотинига айбдор сифатида қараса, хотин эрининг нимжон, спорт билан шуғулланмаганлиги сабабли фарзанди носоғлом бўлганлигини рўқач қилиб кўрсатади. Бундай ҳолат натижасида жамият жуда катта зарар кўради. Биринчидан, оила бузулиб

кетади. Иккинчидан, ногирон фарзанднинг на отага, на онага кераксизлигидан у меҳрибонлик уйидан жой олади. Учинчидан, жамиятнинг ривожига хизмат қиладиган соғлом, баркамол авлод сони камаяди. Аксинча, ногирон боланинг вояга етишида давлат қанча сарф – харажат қиладди.

Шундай экан, давлатнинг жамиятнинг келажаги равнақи учун, жамиятнинг асосий кичик бўғини оила ҳар томонлама соғлом, мустаҳкам бўлиши шарт. Жамият ҳам, давлат катта бир оила. Ана шу катта оиланинг мустаҳкамлиги кичик бир оилага ҳам боғлиқлиги кўриниб турибди. Демакки, спорт оила мустаҳкамлигини кўрғони десак адашмаган бўламиз.

Усмон АБДУРАСУЛОВ